



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

**Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг
муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 36-
моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар
асосида баҳолаш услубияти иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси
Кенгаши билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

**Директорнинг биринчи
ўринбосари**



Xasanov A. A.

Тошкент ш.
2022 йил 21 ноябрь,
2-2022-сон сон

Келишилди:

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**



Xusanov N. B.

Тошкент ш.
2022 йил 25 октябрь,

Вазир



Тошкент ш.
2022 йил 16 ноябрь,

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Тошкент ш.
2022 йил 31 октябрь,

**Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси**

Тошкент ш.
2022 йил 27 октябрь,

Kuchkarov D. A.

Shermatov Sh. X.

Рафиков К.М.



Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
директорининг 2022 йил “21” ноябрдаги
2-2022-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг
муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш
УСЛУБИЯТИ**

Ушбу Услубият Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган ташкилотларда давлат фуқаролик хизматчисини рафбатлантириши, холисона ваadolатли мезонлар асосида хизматда лавозим бўйича қўтарилишини таъминлаш мақсадида унинг фаолияти самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубиятнинг амал қилиши Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш бўйича давлат органининг ўз ички тартибини белгилашга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Услубиятнинг амал қилиши давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гурухига тааллуқли давлат фуқаролик хизматчиларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги

ПҚ-5189-сон “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ти ва 2021 йил

24 августдаги ПҚ-5230-сон “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг уларга юкланган вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ти ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 28 июлдаги 467-сон “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ти ва 2021 йил 28 августдаги 548-сон “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш хақида”ти қарорларига асосан фаолият самарадорлигини баҳолашнинг алоҳида тартиби белгиланган давлат органлари ва лавозимларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Услубиятда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат органи – Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилма;

энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (бундан буён матнда ЭМСК деб юритилади) – давлат фуқаролик хизматчиси томонидан функционал вазифа ва мажбуриятлари ижро этилишининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш учун қўлланиладиган ва миқдоран ўлчаш мумкин бўлган баҳолаш индикаторлари;

занжир услуби – давлат органи раҳбари ўринбосари фаолиятининг ЭМСКни вертикал тизим

бўйича ўзига бўйсунувчи давлат органи марказий аппаратининг таркибий тузилмалари, шунингдек худудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларининг бутун иерархияси бўйлаб изчиллик асосида тақсимлаш орқали баҳоланувчи раҳбарларнинг индивидуал ЭМСКни ишлаб чиқиш тартиби;

ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари – ҳисобот даври учун ишлаб чиқиладиган ва эришилиши кўзлананаётган режавий кўрсаткичлар;

индивидуал ЭМСК – ҳисобот даврида давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тавсифлайдиган кўрсаткичлар рўйхати;

амалдаги ЭМСК – баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси томонидан ҳисобот даврида индивидуал ЭМСКга ҳақиқатда эришилганлиги кўрсаткичи;

йиғма ЭМСК – баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг натижаси;

ЭМСКнинг вазни – вазифаларнинг муҳимлиги, мураккаблиги ва уларни бажаришга сарфланадиган вақтдан келиб чиқиб, индивидуал ЭМСКнинг умумий максимал балдаги улуши (аҳамияти);

давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш тизими (бундан буён матнда Баҳолаш тизими деб юритилади) – давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини унинг индивидуал ЭМСКга эришиш натижасига қараб баҳолаш бўйича комплекс чора-тадбирлар йиғиндиси;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси – фаолият самарадорлиги индивидуал баҳоланадиган давлат фуқаролик хизматчиси;

бевосита раҳбар – баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси бевосита бўйсунувда бўлган мансабдор шахс;

юкори турувчи раҳбар – баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг бевосита раҳбари тўғридан-тўғри бўйсунадиган мансабдор шахс;

баҳолаш интервьюси – баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисига юклатилган вазифа ва функцияларнинг амалга ошириш жараёни ва бажарилиши сифатини баҳолаш бўйича унинг бевосита раҳбари томонидан индивидуал тартибда ўтказиладиган сухбат;

Баҳолаш тизимининг ягона электрон платформаси (бундан буён матнда Ягона электрон платформа деб юритилади) – давлат органининг таркибий тузилмалари, шунингдек худудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари, шу билан бирга худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ўринбосарлари (бундан буён матнда баҳоланувчи раҳбар деб юритилади) фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини, шунингдек улар ва давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижаларини акс эттирувчи ҳамда маълумот алмашинувини назарда тутувчи “Давлат фуқаролик хизмати ягона-электрон ахборот-таҳлил тизими” дастурий-аппарат комплексидаги автоматлаштирилган ахборот тизими.

3. Давлат органида давлат фуқаролик хизматчиларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетлика амалга оширилади:

давлат органи раҳбари ўринбосари фаолиятининг ЭМСКни “занжир услуби” асосида тақсимлаш орқали баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва

баҳолаш;

ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва амалдаги ЭМСКни, шунингдек давлат фуқаролик хизматчиларини рағбатлантириш чорасини қўллаш ҳақидаги маълумотларни доимий равишда Ягона электрон платформага киритиб бориш;

ЭМСКга эришилиши бўйича доимий мониторинг олиб бориш.

4. Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятини ЭМСК мувофиқ баҳолаш бўйича давлат органларида электрон платформа мавжуд бўлган тақдирда, мазкур платформа Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда Ягона электрон платформага интеграция қилинади.

5. Баҳолаш тизимининг асосий тамойиллари:

боглиқлилик – баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари давлат органи раҳбари ўринбосари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқ бўлиши;

ишончлилик – амалдаги ЭМСКни тегишли маълумотлар билан тасдиқлаш ҳамда ушбу маълумотларнинг келиб чиқиши манбасини текшириш имкониятининг мавжуд бўлиши;

адолатлилик – ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари мавжуд ресурс ва ваколатларга мувофиқ бўлган ҳолда ишлаб чиқилиши, баҳолаш ва унинг натижалари бўйича қўлланиладиган рағбатлантириш чоралари асосли бўлиши.

5. Баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСК қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

аниқлилиги, эришиш қўзланаётган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари аниқ белгиланиши, шунингдек прогноз қилинаётган натижа ва кутилаётган ижобий ўзгаришлар аниқ белгиланиши;

ўлчанадиган бўлиши, ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун муайян шартли бирликларда ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланишини назарда тутиши;

эришиш мумкинлиги, ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари мавжуд ресурс ва ваколатларга мувофиқ бўлиши;

вақт чегарасининг мавжудлиги, прогноз қилинаётган натижаларга эришишнинг аниқ муддатлари белгиланиши;

компетентлиги, баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари уларнинг вазифалари ва жавобгарлиги доирасида бўлиши;

мақсадлилиги, баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари давлат органининг асосий вазифаларини амалга оширишдан кутилаётган натижаларга эришишга йўналтирилганлиги.

2-боб. Баҳолаш тизимининг босқичлари

6. Давлат органида Баҳолаш тизимини амалга ошириш қўйидаги босқичлардан иборат:

а) биринчи босқич – давлат органида мазкур Услубият асосида Баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи хужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш:

Баҳолаш тизими жорий этиладиган таркибий тузилмалар, шунингдек худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар ва уларнинг таркибий бўлинмаларининг, шу билан бирга лавозимларнинг рўйхатини;

ЭМСКга кўйиладиган талаблар, уларни ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш тартибини;

Баҳолаш тизимини жорий этиш ва ишлашини мониторинг қилиш бўйича масъул таркибий тузилмани (бундан буён матнда Масъул таркибий тузилма деб юритилади) белгилашни;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг ЭМСКни баҳолаш натижаси бўйича рағбатлантириш чораларининг нисбатини;

ЭМСКга эришилишини ҳисоблаш даврийлигини (ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик);

б) иккинчи босқич – баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

в) учинчи босқич – давлат органи раҳбари ўринбосарлари йигма ЭМСКларидан келиб чиқиб, баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш, шунингдек баҳоланувчи раҳбарнинг йигма ЭМСКдан келиб чиқиб, баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш;

г) тўртинчи босқич – баҳолаш натижаларига кўра, рағбатлантириш чорасини қўллаш.

7. Давлат органида баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш, шунингдек Баҳолаш тизими ишлашини мониторинг қилиш Ягона электрон платформада амалга оширилади.

Давлат органи томонидан баҳолаш натижалари ҳамда қўлланилган рағбатлантириш чоралари тўғрисидаги маълумотлар Масъул таркибий тузилма томонидан Ягона электрон платформага доимий равища киритиб борилади.

3-боб. Давлат органларида Баҳолаш тизимини жорий этиш

8. Давлат органи раҳбарнинг қарори билан Баҳолаш тизимини жорий этиш ва мониторинг қилиш бўйича (қоида тариқасида, давлат органининг биринчи раҳбарига бўйсунувчи тузилмалар орасидан, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида Ахборот-таҳлил гуруҳлари) марказий аппаратнинг Масъул таркибий тузилмаси белгиланади.

Баҳолаш тизимини жорий этиш ва мониторинг қилиш бўйича давлат органининг ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотларида ҳам мазкур ташкилотлар раҳбарларининг қарори билан масъул таркибий тузилмалар белгиланади.

Бунда, штатлар сони 20 кишидан кам бўлган ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотларда Баҳолаш тизимини жорий этиш ва мониторинг қилиш бўйича алоҳида масъул давлат фуқаролик хизматчиси белгиланиши мумкин. Ушбу масъул таркибий тузилмалар ёки масъул давлат фуқаролик хизматчиси Баҳолаш тизимини жорий этиш ва мониторинг қилишда давлат органи марказий аппаратининг Масъул таркибий тузилмаси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

9. Масъул таркибий тузилманинг (давлат фуқаролик хизматчисининг) Баҳолаш тизимини жорий этиш ва мониторинг қилиш доирасидаги вазифалари:

а) баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

б) баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилиши, ҳисобланиши ва баҳоланишининг мазкур Услубият асосида ишлаб чиқилган ўз ички тартибига мувофиқлигини текшириш;

в) баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш;

г) баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг баҳолаш натижалари бўйича тасдиқловчи хужжатларни йиғиш, сақлаш ва Ягона электрон платформага киритиш (электрон шаклга ўтказилган хужжатлар электрон шаклда юритилади ҳамда сақланади);

д) баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчилари орасида Баҳолаш тизимининг моҳияти, аҳамияти ва амалиётда тўғри қўлланиши бўйича тушунтиришлар олиб бориш.

4-боб. ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш

10. ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш қўйидагича амалга оширилади:

давлат органининг таркибий тузилмалари, шунингдек ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий бўлинмаларида давлат фуқаролик хизматчиси фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш ушбу Услубиятнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича;

маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида давлат фуқаролик хизматчиси фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш ушбу Услубиятнинг 2-иловасига мувофиқ схема бўйича.

11. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг индивидуал ЭМСК қўйидагиларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади:

давлат органи раҳбари ўринбосари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини;

давлат органининг таркибий тузилмалари, шунингдек ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотларининг вазифа ва функцияларини;

юқори турувчи ва бевосита раҳбарларнинг топширикларини.

12. Баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг таркибига давлат органи раҳбари ўринбосари фаолиятининг ЭМСКда назарда тутилмаган, уларнинг функционал вазифаси билан боғлиқ бўлган қўшимча кўрсаткичлар ҳам киритилиши мумкин.

13. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг индивидуал ЭМСК сони 10 тадан кўп бўлмаслиги керак.

14. ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари қўйидагилар томонидан ушбу Услубиятнинг 3-иловасидаги Намунавий шаклга мувофиқ тасдиқланади:

давлат органи таркибий тузилмалари, шунингдек ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари давлат органи раҳбари ўринбосарлари томонидан;

ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ўринбосарлари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари томонидан;

ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ўринбосарлари томонидан.

15. Индивидуал ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳисобот даври учун тасдиқланади.

Бунда, баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг ЭМСКга эришилганлиги натижалари камида ҳар

ярим йилликда (давлат органи фаолиятининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, чораклик ва ойлик хисобот даврлари белгиланиши мумкин) баҳоланади.

16. Баҳоланувчи раҳбарнинг индивидуал ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига тузатишлар киритиши (кўшимча кўрсаткич билан тўлдириш ёки индивидуал ЭМСК таркибидан айrim кўрсаткичларни чиқариш, ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига тузатишлар киритиши) мазкур кўрсаткичларни аввал тасдиқлаган лавозимдаги мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади, бундан баҳоланувчи раҳбар ўзининг фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларидан норози бўлганда, унинг шикоятини кўриб чиқиши натижасига кўра киритилган тузатишлар мустасно.

Бунда, баҳоланувчи раҳбарнинг индивидуал ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига тузатишлар киритиши заруриятини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади.

17. Баҳоланувчи раҳбарнинг индивидуал ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига тузатишлар киритиши ушбу Услубиятнинг 4-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

Аввал тасдиқланган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига тузатишлар киритишида баҳоланувчи раҳбар билан келишилиши шарт.

5-боб. Амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш

18. Баҳоланувчи раҳбарнинг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш ушбу Услубиятнинг 5-иловасида белгиланган намунавий шакл асосида қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

аниқ кўрсаткичлар ижросини таъминлаш даражаси бўйича Масъул таркибий тузилмалар;
ижро интизомига риоя қилинганлиги бўйича ташкилий ёки ижро назорати бўйича тузилмалар;
мехнат интизомига риоя қилганлиги бўйича инсон ресурсларини бошқариш бўйича тузилмалар.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг вилоят даражасидаги баҳоланувчи раҳбарларининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш ушбу Услубиятнинг 5-иловасида белгиланган намунавий шакл асосида қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

аниқ кўрсаткичлар ижросини таъминлаш даражаси бўйича Ахборот-таҳлил бошқармаси;
ижро интизомига риоя қилинганлиги бўйича Ижро интизоми назорати бўлими;
мехнат интизомига риоя қилганлиги бўйича Ташкилий-кадрлар гурухи/бўлими.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг туман (шахар) даражасидаги баҳоланувчи раҳбарларининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш ушбу Услубиятнинг 5-иловасида белгиланган намунавий шакл асосида қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

аниқ кўрсаткичлар ижросини таъминлаш даражаси бўйича Масъул таркибий тузилмалар;
ижро интизомига риоя қилинганлиги бўйича Ижро интизоми назорати бўлинмаси;
мехнат интизомига риоя қилганлиги бўйича Ташкилий-кадрлар гурухи.

19. Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш ушбу Услубиятнинг 6-иловасида белгиланган намунавий баҳолаш шакли асосида қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

таркибий бўлинмага юклатилган ЭМСКга эришишдаги ҳамда вазифа ва функцияларни бажаришдаги ҳиссаси бўйича бевосита раҳбарлар;

ижро интизомига риоя қилингандык бүйича ташкилий ёки ижро назорати бүйича тузилмалар/Ижро интизоми назорати бўлими/бўлинмаси;

мехнат интизомига риоя қилгандиги бүйича инсон ресурсларини бошқариш бүйича тузилмалар/Ташкилий-кадрлар гурухи/бўлими;

ташаббускорлиги бўйича бевосита раҳбарлар.

Давлат органи раҳбарига тўғридан-тўғри бўйсунувчи таркибий тузилмаларнинг давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш имконияти бўлган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ушбу Услубият асосида ишлаб чиқиладиган давлат органининг ички тартибига асосан амалга оширилади.

Давлат органи раҳбарига тўғридан-тўғри бўйсунувчи таркибий тузилмаларнинг давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш имконияти бўлмаган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш давлат органининг ички тартибига асосан давлат органи раҳбари томонидан амалга оширилади.

Хисобот даври учун амалдаги ЭМСКни хисоблаш ва баҳолаш ушбу Услубиятнинг 7-иловасида кўрсатилган шаклга мувофиқ баҳолаш варақасини расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

20. Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг йиғма ЭМСК:

60 балдан кам бўлганда – “қониқарсиз”;

60 балдан 80 балгача – “қониқарли”;

80 балдан 100 балгача – “яхши”;

100 балл ва ундан юкори бўлганда “аъло” деб баҳоланади.

21. ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига эришилишини тавсифловчи амалдаги ЭМСК натижаларини хисоблаш қўйидаги формуулаларга асосан амалга оширилади:

1) ЭМСКЭД = $(AK/MK)*100$, кўрсаткичнинг ўсиши ижобий тенденцияни кўрсатган ҳолатларда;

2) ЭМСКЭД = $100+(100-AK/MK*100)$, кўрсаткичнинг ўсиши салбий тенденцияни кўрсатган ҳолатларда. Бунда, ушбу формула (масалан, ҳукуқбузарлик ва жиноятчилик даражаси, хотин-қизларга тазиқ ва зўравонлик, оналар ва гўдаклар ўлими ҳамда бошқалар) кўрсаткичларга нисбатан қўлланилади.

Бунда:

ЭМСКЭД – ЭМСК натижадорлиги бўйича эришиш даражаси;

АК – амалдаги ЭМСК;

МК – ЭМСК мақсадли кўрсаткичи.

Ҳар бир кўрсаткичга эришилганлик учун олинган балл ЭМСКЭДни кўрсаткич вазнига кўпайтириш йўли билан хисобланади.

Кўрсаткич натижаси қўйидаги формула асосида хисоблаб чиқилади:

ОБ = ЭМСКЭД*B/100

Бунда:

ОБ – олинган балл;

В – кўрсаткич вазни.

Ҳар бир баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг йиғма ЭМСК бўйича натижаси ҳар бир кўрсаткич учун олинган балларнинг йиғиндиси билан ҳисобланади:

ЭМСКН = ОБ1 + ОБ2 + ...,

Бунда, ЭМСКН – ЭМСК натижаси.

6-боб. Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини баҳолаш механизми

22. Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси учун ЭМСК вазнининг миқдори ушбу Услубиятнинг 5 ва 6-иловаларида белгиланган намунавий баҳолаш шакллари асосида давлат органининг баҳолаш тизимини жорий этишни назарда тутувчи хужжатида белгиланади.

23. Давлат органи раҳбари ўринбосарига бўйсунувчи таркибий тузилмалар, ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятининг аниқ кўрсаткичлар ижросини таъминлаш даражаси бўйича ўртacha ЭМСК натижалари йиғиндиси ушбу раҳбар ўринбосарига белгиланган ЭМСКнинг натижасига мувофиқ бўлиши лозим.

Давлат органи таркибий тузилмасидаги баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиларининг таркибий бўлинмага юқлатилган ЭМСКга эришишдаги ҳамда вазифа ва функцияларни бажарилишидаги ҳиссаси бўйича ўртacha ЭМСК натижалари йиғиндиси ушбу таркибий тузилмага белгиланган ЭМСКнинг натижасига мувофиқ бўлиши лозим.

24. Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш натижасига кўра давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари ва давлат органининг ички тартибига мувофиқ унга рағбатлантириш чоралари қўлланилади ҳамда унинг холисона ва адолатли мезонлар асосида хизматда лавозим бўйича кўтарилиши таъминланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш натижасига кўра “яхши” ва “аъло” деб баҳоланган тақдирда давлат органи раҳбари томонидан куйидаги қўшимча рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин:

биринчи навбатда лавозимда ўстириладиган номзодлар қаторига киритиш;

лавозимда ўстириладиган потенциал номзодлар қаторига киритиш;

малака даражасини навбатдан ташқари бериш;

номоддий тусдаги рағбатлантириш;

берилган интизомий жазо чорасини олиб ташлаш;

бошқа рағбатлантириш чоралари.

25. Амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш куйидаги ҳолларда ўтказилмайди:

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси иш фаолиятини бошлаганига уч ой муддат тўлмаган бўлса;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси таътилда бўлган муддат давомида;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг меҳнатга лаёқатсизлик варақасида белгиланган муддат давомида;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси давлат, жамият, иш берувчи ва меҳнат

жамоасининг манфаатлари юзасидан мажбуриятларни бажаришга жалб этилганда (малака ошириш, хизмат сафари ва бошқа ҳолатлар);

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси идоралараро ишчи гуруҳларга ёки бошқа тадбирларга жалб этилганда.

Мазкур банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатларда баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисига устама тайинлаш олдинги ҳисобот давридаги фаолиятидаги ЭМСК учун тайинланган устамаларининг ўртачасидан кам бўлмаган миқдорда иш берувчи томонидан белгиланади.

7-боб. Баҳолаш интервьюси

26. Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш имкони бўлмаганда, бевосита раҳбар томонидан баҳолаш интервьюси ўтказилади.

27. Баҳолаш интервьюси бевосита раҳбар томонидан ойлик, чораклик, ярим йиллик ёки йил якуни билан ўтказилиши мумкин.

28. Баҳолаш интервьюсида бевосита раҳбар томонидан баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси билан индивидуал тартибда сухбат ўтказилади ва унинг натижаси ушбу Услубиятнинг 8-илювасига мувофиқ баҳоланади.

Баҳолаш интервьюсида баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисига юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши, шахсий ташабbusлари билан амалга оширган ишлари эътиборга олинади.

29. Баҳолаш интервьюсини қўллаш натижалари бўйича баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисига давлат органининг ички тартибига асосан рағбатлантириш чоралари қўлланилади.

8-боб. Шикоят қилиш тартиби

30. Баҳоланувчи раҳбар тасдиқланган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларидан ва баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш натижасидан норози бўлган тақдирда юқори турувчи раҳбарга ёзма ёки электрон шаклда шикоят қилиши мумкин.

31. Баҳоланувчи раҳбар тасдиқланган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш натижаси билан тегишли тартибда хабардор қилинган кундан эътиборан бир ой ичida шикоят қилиши мумкин.

Бунда, юқори турувчи раҳбар баҳоланувчи раҳбар ва давлат фуқаролик хизматчисини шикоят кўриб чиқилишидан беш кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

32. Юқори турувчи раҳбар шикоят келиб тушган кундан бошлаб, ўн иш куни ичida мазкур шикоятни кўриб чиқиб, қарор қабул қилиши шарт.

Бунда, баҳоланувчи раҳбар ва давлат фуқаролик хизматчиси мазкур шикоятни кўриб чиқишида иштирок этиш хукуқига эга.

33. Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси шикоят бўйича қарор қабул қилингунига қадар уни чақириб олишга ҳақли. Шикоятни чақириб олиш ёзма ёки электрон шаклда расмийлаштирилади.

34. Юқори турувчи раҳбар шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

тасдиқланган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш натижасини ўзгаришсиз қолдириш;

тасдиқланган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш натижасига ўзгартиришлар киритиш.

35. ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш натижаси юзасидан шикоят қилинганда шикоят рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан белгиланган тартибда кўриб чиқилгунга қадар ушбу ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш натижаси амал қилишини ва ижро этилишини тўхтатиб турилади.

9-боб. Якуний қоидалар

36. Давлат органи фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб ушбу Услубиятда назарда тутилган баҳолаш методларини қўллаш имкони бўлмаган тақдирда, давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан келишилган холда, алоҳида тартиб ва механизmlарни ишлаб чиқиши мумкин.

37. Ушбу Услубият талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг
самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар
асосида баҳолаш услубиятига

1-ИЛОВА

**Давлат органининг таркибий тузилмалари, шунингдек худудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий
бўлинмаларида давлат фуқаролик хизматчиси фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ва баҳолаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Давлат органи марказий аппаратининг таркибий тузилмалари (<i>департамент, бошқарма, бўлим</i>), идоравий мансуб ва худудий ташкилотлар раҳбарлари	Ўзлари бўйсунувчи давлат органи раҳбари ўринбосари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиши.	хисобот давридан кейинги ойнинг 13 санасига қадар
2-босқич	Масъул таркибий тузилмалар	Давлат органи марказий аппаратининг таркибий тузилмалари (<i>департамент, бошқарма, бўлим</i>), идоравий мансуб ва худудий ташкилотлар раҳбарлари фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини тегишли давлат органи раҳбари ўринбосари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқлиги, уларнинг ваколатлари доирасига кириши ҳамда мавжуд ресурслари етарлилиги юзасидан кўриб чиқиши ва келишиши .	хисобот давридан кейинги ойнинг 15 санасига қадар
3-босқич	Давлат органи раҳбари ўринбосарлари	Давлат органи марказий аппаратининг ўзига бўйсунувчи таркибий тузилмалари (<i>департамент, бошқарма, бўлим</i>), идоравий мансуб ва худудий ташкилотлар раҳбарлари фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 18 санасига қадар
4-босқич	Худудий ва идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарлари	Ўзларининг фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўзларининг ўринбосарлари (<i>мавжуд бўлса</i>) фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасига қадар

5-босқич	Худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ўринбосарлари (<i>агарда улар мавжуд бўлмаса, худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари</i>)	Худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ўринбосарлари (<i>агарда улар мавжуд бўлмаса, худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари</i>) фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларидан келиб чиқиб, худудий ва идоравий мансуб ташкилотларининг ўзига бўйсунувчи таркибий бўлинмалари ҳамда туман (шахар) бўлинмалари раҳбарлари фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ҳамда худудий ва идоравий мансуб ташкилотларининг масъул таркибий тузилмалари билан келишилган холда тасдиқлаш .	хисобот давридан кейинги ойнинг 22 санасига қадар
6-босқич	1. Масъул таркибий тузилмалар, ташкилий ёки ижро назорати ва инсон ресурсларини бошқариш бўйича тузилмалар 2. Масъул таркибий тузилмалар	1. Давлат органи марказий аппаратининг таркибий тузилмалари (<i>департамент, бошқарма, бўлим</i>), идоравий мансуб ва худудий ташкилотлар раҳбарлари фаолиятларининг амалдаги ЭМСКни хисоблаш ва уларнинг фаолиятлари самарадорлигини баҳолаш . 2. Баҳолаш натижаларини ва давлат органи марказий аппаратининг таркибий тузилмалари (<i>департамент, бошқарма, бўлим</i>), худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини рағбатлантириш тўғрисида таклифларни давлат органи раҳбарига тақдим қилиш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасига қадар
7-босқич	1. Худудий ва идоравий мансуб ташкилотларининг масъул таркибий тузилмалари, ташкилий ёки ижро назорати ва инсон ресурсларини бошқариш бўйича тузилмалари 2. Худудий ва идоравий мансуб ташкилотларининг масъул таркибий тузилмалари	1. Худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбар ўринбосарлари (<i>мавжуд бўлса</i>), таркибий бўлинмалари ҳамда туман (шахар) бўлинмалари раҳбарларининг амалдаги ЭМСКни хисоблаш ва улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш . 2. Баҳолаш натижаларини ва худудий ва худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбар ўринбосарлари (<i>мавжуд бўлса</i>), таркибий бўлинмалари ҳамда туман (шахар) бўлинмалари раҳбарларини рағбатлантириш тўғрисида таклифларни худудий ва идоравий мансуб ташкилотларининг раҳбарига тақдим қилиш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 12 санасига қадар
8-босқич	1. Бевосита раҳбар (<i>департамент, бошқарма, бўлим бошликлари</i>), ташкилий ёки ижро назорати ва инсон ресурсларини бошқариш бўйича тузилмалари 2. Бевосита раҳбар (<i>департамент, бошқарма, бўлим бошликлари</i>)	1. Таркибий бўлинмалар давлат фуқаролик хизматчиларининг амалдаги ЭМСКни хисоблаш ва улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш . 2. Баҳолаш натижаларини ва таркибий бўлинмалар давлат фуқаролик хизматчиларини рағбатлантириш тўғрисида таклифларни тегишили равишда давлат органи ёки худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарига тақдим қилиш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 15 санасига қадар
9-босқич	Давлат органи раҳбари, худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбари	Баҳолаш натижаларига кўра давлат фуқаролик хизматчисини рағбатлантириш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасига қадар

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг
самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар
асосида баҳолаш услубиятига
2-ИЛОВА

**Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида давлат фуқаролик хизматчиси фаолияти
ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Туман (шаҳар) ҳоким ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таркибий тузилмалари раҳбарлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳамда маъсул вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари тақдим этган мақсадли (прогноз) параметрларни инобатга олган ҳолда, ўз фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 18 санасиغا қадар
2-босқич	Ахборот таҳлил гурӯхлари	Туман (шаҳар) ҳоким ўринбосарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таркибий тузилмалари раҳбарлари фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқлиги, уларнинг ваколатлари доирасига кириши ҳамда мавжуд ресурслари етарлилиги юзасидан кўриб чиқиш ва келишиши .	хисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасиغا қадар
3-босқич	1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари	1. Туман (шаҳар) ҳоким ўринбосарлари фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш . 2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таркибий тузилмалари раҳбарлари фаолиятлари ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш .	хисобот давридан кейинги ойнинг 23 санасиغا қадар

4-боскич	Туман (шахар) ҳоким ўринбосарлари	Ўзларининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари фаолиятлари ЭМСКнинг максадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиши ва туман (шахар) ҳокимликларининг масъул таркибий тузилмалари билан келишилган ҳолда тасдиқлаш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 25 санасига қадар
5-боскич	1. Ахборот таҳлил гурухлари, Ижро интизоми назорати бўлими ташкилий кадрлар гурухи 2. Ахборот таҳлил гурухлари	1. Туман (шахар) ҳоким ўринбосарлари ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таркибий тузилмалари раҳбарларининг амалдаги ЭМСКни хисоблаш ва улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш . 2. Баҳолаш натижаларини ва туман (шахар) ҳоким ўринбосарлари ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таркибий тузилмалари раҳбарларини рағбатлантириш тўғрисида таклифларни Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тақдим қилиш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасига қадар
6-боскич	1. Туман (шахар) ҳокимликларининг масъул таркибий тузилмалари Ижро интизоми назорати бўлинмаси Ташкилий-кадрлар гурухи 2. Масъул таркибий тузилмалар	1. Туман (шахар) ҳокимликлари таркибий бўлинмалари раҳбарларининг амалдаги ЭМСКни хисоблаш ва уларнинг фаолиятлари самарадорлигини баҳолаш . 2. Баҳолаш натижаларини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини рағбатлантириш тўғрисида таклифларни туман (шахар) ҳокимларига тақдим қилиш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 12 санасига қадар
7-боскич	1. Бевосита раҳбар, Ижро интизоми назорати бўлими/бўлинмаси, Ташкилий кадрлар гурухи 2. Бевосита раҳбар	1. Таркибий бўлинмалар давлат фуқаролик хизматчилигининг амалдаги ЭМСКни хисоблаш ва улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш . 2. Баҳолаш натижаларини ва таркибий бўлинмалар давлат фуқаролик хизматчилирини рағбатлантириш тўғрисида таклифларни тегишли равишда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда туман (шахар) ҳокимларига тақдим қилиш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 15 санасига қадар
8-боскич	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шахар) ҳокимлари	Баҳолаш натижаларига кўра давлат фуқаролик хизматчисини рағбатлантириш.	хисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасига қадар

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг
самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар
асосида баҳолаш услубиятига
3-ИЛОВА

Ҳисобот даври учун _____ раҳбарининг индивидуал ЭМСКни тасдиқлашнинг
(таркибий тузилманинг номи)

НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

“КЕЛИШИЛДИ”
(келишаётган раҳбарнинг лавозими
ва Ф.И.О., сана, имзо)

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
(тасдиқлаётган раҳбарнинг лавозими
ва Ф.И.О., сана, имзо)

_____ учун _____ раҳбарининг
(ҳисобот даври) *(таркибий тузилманинг номи)*
ИНДИВИДУАЛ ЭМСК*

Баҳоланувчи раҳбарнинг Ф.И.О.: _____;

Баҳоланувчи раҳбарнинг лавозими: _____;

Таркибий тузилманинг номи: _____;

№	ЭМСК мақсадлы күрсаткичнинг номланиши	Қайси ҳужжат/топшириқдан келиб чиққан	Үлчов бирлиги	ЭМСК мақсадлы күрсаткичлари	Шу жумладан				Аҳамияти (вазни)	ЭМСК мақсадлы күрсаткичларига эришиш муддати	Маълумотлар манбаси
					1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак			
1.											
2.											
3.											
4.											
5.											
									Σвазнлар = 100		

Изоҳ:

*Давлат органи фаолиятининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, индивидуал ЭМСКнинг шаклига ҳамда ҳисобот даврига ўзгартириши киритилиши мумкин. Бунда, индивидуал ЭМСКнинг шаклида күрсаткичинг номи, унга асос бўлган ҳужжат, үлчов бирлиги, ЭМСКнинг мақсадлы күрсаткичлари, даврийлиги, аҳамияти (вазни), ЭМСК мақсадлы күрсаткичларига эришиш муддати ва маълумотлар манбаси бўлиши керак.

	<p>(баҳоланувчи раҳбарнинг Ф.И.О.) сана, имзо</p>
--	---

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг
самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар
асосида баҳолаш услубиятига
4-ИЛОВА

Баҳоланувчи _____ раҳбарининг индивидуал ЭМСКга тузатишлар киритишинг
(таркибий тузилманинг номи)

НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

“КЕЛИШИЛДИ”

(келишаётган раҳбарнинг лавозими
ва Ф.И.О., сана, имзо)

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

(тасдиқлаётган раҳбарнинг лавозими
ва Ф.И.О., сана, имзо)

Кўрсаткичнинг номи	Кайси хужжат/ топшириқдан келиб чиқсан	Ўлчов бирлиги	ЭМСК мақсадли кўрсаткичлари	Шу жумладан				Аҳамияти (вазни)	Маълу- мотлар манбаси	Асоси
				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак			
ЭМСК _(амалдаги)									муносабати билин тузатишлар киритилмоқда.
ЭМСК _(яңги)										

Изоҳ:

* Давлат органи фаолиятининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, индивидуал ЭМСКнинг тузатишлар киритиши шаклига ўзгартириши киритилиши мумкин. Бунда, индивидуал ЭМСКнинг тузатишлар киритиши шаклида кўрсаткичнинг номи, унга асос бўлган ҳужжат, ўлчов бирлиги, ЭМСКнинг мақсадли

кўрсаткичлари, даврийлиги, аҳамияти (вазни), маълумотлар манбаси ва асоси бўлиши керак.

(Баҳоланувчи раҳбарининг Ф.И.О., сана, имзо)

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг
самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар
асосида баҳолаш услубиятига
5-ИЛОВА

**Давлат органи таркибий тузилмаси, худудий ва идоравий мансуб
ташкилотларнинг раҳбарлари фаолиятини ЭМСК асосида
БАҲОЛАШНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛИ***

№	Кўрсаткич номи	Вазни (тавсиявий)
1.	Давлат органи таркибий тузилмаси (идоравий мансуб ва худудий ташкилот)га юклатилган аниқ кўрсаткичлар ижросини таъминлаш даражаси	60
1.1	Биринчи кўрсаткич	
1.2.	Иккични кўрсаткич	
2.	Давлат органи таркибий тузилмаси (худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар) ходимлари томонидан ижро интизомига риоя қилингандаги (сон, сифат ва ўз муддатида бажарилиши)	30
2.1.	Давлат органи таркибий тузилмаси (худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар)га келиб тушган топшириқлар, хатлар ва боиқа ҳужжатларнинг ўз вақтида бажарилгандаги даражаси	20
2.2.	Давлат органи таркибий тузилмаси (худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар)га келиб тушган мурожсаатларнинг ўз вақтида қўриб чиқилгандаги даражаси**	10
3.	Давлат органи таркибий тузилмаси (худудий ва идоравий мансуб ташкилотлар) ходимлари томонидан меҳнат интизомига риоя қилгандаги	10
3.1	Иши режими талабларига риоя этганлиги	5
3.2	Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этганлиги	5
Жами		100

Изоҳ:

*Давлат органининг раҳбари томонидан давлат органи, таркибий тузилма ва лавозимнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, фаолият самарадорлигини баҳолашнинг қўшимча мезонлари, кўрсаткичлари белгиланиши ва вазнига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

**Давлат органи таркибий тузилмаси (худудий ва идоравий мансуб ташкилот)га мурожсаатлар келиб тушмаган тақдирда мазкур кўрсаткич бўйича максимал балл қўйилади.

Давлат фуқаролик хизматчилари
фаолиятининг самарадорлигини энг
мухим қўрсаткичлар асосида баҳолаш
услубиятига
6-ИЛОВА

Давлат органи таркибий тузилмаси, ҳудудий ва идоравий мансуб
ташкилотларнинг давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини ЭМСК асосида
БАҲОЛАШНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛИ*

№	Кўрсаткич номи	Вазни (тавсиявий)
1	Давлат фуқаролик хизматчисининг таркибий бўлинмага юклатилган ЭМСКга эришишдаги ҳамда вазифа ва функцияларни бажарилишидаги хиссаси	60
1.1	Таркибий бўлинмага юклатилган ЭМСКга эришишдаги	30
1.2.	Таркибий бўлинмага юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришидаги	30
2.	Ижро интизомига риоя қилинганилиги (сон, сифат ва ўз муддатида бажарилиши)**	20
2.1.	Таркибий бўлинмага келиб тушигандан кунгидан кунгидан топшириқлар, ҳатлар ва бошқа хуёжжатлар бўйича	10
2.2.	Таркибий бўлинмага келиб тушигандан мурожсаатлар бўйича	10
3.	Мехнат интизомига риоя қилганилиги	10
3.1	Иш режими талабларига риоя этганлиги	7
3.2	Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этганлиги	3
4	Ташаббускорлиги (таклифлар ишлаб чиқсанлиги, амалиётга жорий этилганлиги, ўз ташаббуси билан давлат органи фаолиятига тааллуқли қўшимча вазифаларни бажарганлиги)	10
Жами		100

Изоҳ:

*Давлат органининг раҳбари томонидан ташкилот, таркибий тузилма ва лавозимнинг ўзига хос
хусусиятларидан келиб чиқиб, фаолият самарадорлигини баҳолашнинг қўшимча мезонлари,
кўрсаткичлари белгиланиши ва вазнига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

**Бунда давлат фуқаролик хизматчисига юклатилган топшириқларнинг умумий сони, шу
жумладан, ташкилот (таркибий тузилма)га келиб тушган топшириқларга нисбатан улуши,
шунингдек топшириқларнинг мураккаблик даражаси ҳам инобатга олинади.

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг
самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар
асосида баҳолаш услубиятига
7-ИЛОВА

Баҳолаш варақаси

Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг Ф.И.О.: _____;

Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг лавозими: _____;

Таркибий тузилманинг номи: _____;

Баҳоланаётган давр: _____.

Т/р	Кўрсаткичининг номи	Ўлчов бирлиги	Вазни	Максадли кўрсаткич	Амалдаги кўрсаткич	Ижро (%)	Вазн хисобга олинган холдаги кўрсаткич
1	2	3	4	5	6	$7=6/5*100\%$	$8=4*7$
1	ЭМСК №1						
2	ЭМСК №2						
3	...						
		Йиғма ЭМСК					$\Sigma =$

Баҳо: _____;

(аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз)

Шахсий устама миқдори 20__ йил _____ ой (лар) учун лавозим маошига: __%;

Таклиф этилаётган рағбатлантириш чоралари:

Бевосита раҳбар/ Баҳоловчи шахс(лар):	(Ф.И.О.)
	сана, имзо

Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси:	(Ф.И.О.)
	сана, имзо

**Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш
ИНТЕРВЬЮСИ**

1. Умумий маълумотлар

Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчisi Ф.И.О.	
Лавозим ва таркибий тузилма номи	
Лавозимга тайинланган сана	
Баҳолаш даври	
Бевосита раҳбар Ф.И.О.	
Фаолиятни баҳолаш вакти	

2. Лавозим йўриқномасида белгиланган вазифалар бажарилиши самарадорлигини аниқлаш

№	Лавозим йўриқномасида белгиланган асосий вазифалар	Баҳо
1.		
2.		
3.		
...		
Умумий баҳо		
Ўртacha баҳо		

3. Иш қобилиягини баҳолаш

№	Кўрсаткичлар	Баҳо
1.	Ишни режалаштириш ва ташкиллаштириш кўнимаси	
2.	Таҳлилий қобилияти	
3.	Фикрини ифодалаш (оғзаки ва ёзма нутки)	
4.	Одоб-ахлоқ қоидалари риоя этиши	
5.	Қўл остидаги давлат фуқаролик хизматчиларни бошкариш кўнимаси*	

Умумий баҳо	
Ўртacha баҳо	

*Фақат таркибий тузилмалар раҳбарларини баҳоласида тўлдириласди.

4. Умумий баҳо**

1.	Ўртacha баҳо (2-банд)	
2.	Ўртacha баҳо (3-банд)	
3.	Умумий баҳо (2+3)	
4.	Умумий ўртacha баҳо	

Изоҳ: **Баҳолаш 5, 4, 3, 2 баҳолар билан амалга оширади, 2,0–2,5-қониқарсиз, 2,6–3,5-қониқарли, 3,6–4,5-яхии, 4,6–5-аъло.

5. Бевосита раҳбарнинг хуносаси

Лавозим	Имзо	Ф.И.О.
---------	------	--------

Изоҳ: Бевосита раҳбарнинг хуносасида баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисини рагбатлантириши ёки унинг касбий сифатлари ва иши қобилиятини ошириш бўйича таклифлар акс этади.

6. Баҳолаш натижалари билан танишганлиги ва эътиrozлари

(агар мавжуд бўлса)

розиман/норозиман	имзо	Ф.И.О.

“ _____ ” _____ йил